



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 25 » sentabr № 495

Toshkent sh.

### **“Диний бағрикенглик” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги ПФ–27-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, диний-маърифий соҳанинг самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса кўшган давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Куйидагилар:

“Диний бағрикенглик” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Диний бағрикенглик” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитасининг буюртмасига асосан “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитаси кўкрак нишонини ҳар йили 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни арафасида тантанали равишда топширилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитаси раиси С.Д. Тошбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “25” сентябрдаги 495-сон қарорига  
1-илова

## **“Диний бағрикенглик” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг виждон эркинлиги кафолатларини таъминлаш борасидаги катта хизматлари, аҳоли ўртасида динлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, диний-маърифий соҳадаги ислохотларни тарғиб этиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун атоқли давлат ва жамоат арбоблари, диний-ижтимоий соҳадаги раҳбарлар ва етук уламолар, давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналарнинг вакиллари, хорижий арбоблар ва олимлар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мазкур Низом талаблари асосида тақдирланиши мумкин.

### **2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш**

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, диний-маърифий, ижтимоий-маънавий соҳадаги ташкилотлар кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодлар бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитасига (кейинги ўринларда – Кўмита) ҳар йили 1 октябрга қадар тақдим этади.

5. Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича тақлифларга номзод ҳақида куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

номзод ҳақида маълумотнома;

номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (фуқаролик паспорти ёки ID-карта);

номзоднинг сўнгги уч йил давомида диний-маърифий соҳанинг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини таъминлаш, динлараро ва конфессиялараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширган ишлари акс эттирилган тавсифнома.

6. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Кўмита раиси томонидан диний-маърифий соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган 5 кишидан иборат таркибда комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилади.

Кўмитанинг Диний-маърифий ташкилотлар ва илмий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

7. Комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низом Кўмита раиси томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига Кўмита ҳузуридаги Конфессиялар ишлари кенгаши, диний-маърифий соҳадаги ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари киритилиши мумкин.

8. Комиссиянинг асосий вазифаси кўкрак нишонига номзодларни танлашда юзаки ёндашувларга йўл қўймасдан, адолат ва холислик мезонларига кўра комиссия йиғилишларининг ҳақиқий муҳокамалар асосида ўтказилишини таъминлаган ҳолда, кўкрак нишонига номзодлар бўйича ҳужжатларни Низомда белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ тайёрлаб, тақдим этишдан иборат.

9. Комиссия йиғилишида номзодларга оид ҳужжатлар белгиланган тартибда ўрганилиб, мазкур Низомга 2-иловада белгиланган мезонларга мувофиқ баҳоланади ва ўз таклифларини билдирган ҳолда, ҳар йили 1 ноябрга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

10. Комиссия хулосаси асосида Кўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 10 ноябрга қадар чиқарилади.

### **3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби**

11. Кўкрак нишони ҳар йили 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни арафасида Кўмита раиси (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади.

12. Юридик ва жисмоний шахслар кўкрак нишони билан Кўмита раисининг ташаббусига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам тақдирланиши мумкин.

13. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Кўмитанинг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

14. Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

15. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

16. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

17. Қўмита ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Диний бағрикенглик”  
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга  
1-илова

“Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан тақдирлаш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, диний- маърифий, ижтимоий- маънавий соҳадаги ташкилотлар	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Дин ишлари бўйича қўмитага тақдим этади.	Ҳар йили 1 октябрга қадар
2-босқич	Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодлар ҳақидаги тегишли хужжатларни ўрганиб чиқади ва якуний хулоса қабул қилади.	Ҳар йили 1 ноябрга қадар
3-босқич	Дин ишлари бўйича қўмита	Комиссия хулосаси асосида кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида Дин ишлари бўйича қўмита раисининг буйруғини чиқаради.	Ҳар йили 10 ноябрга қадар
4-босқич	Дин ишлари бўйича қўмита раиси (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар)	“Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан тақдирлайди.	Ҳар йили 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни арафасида

“Диний бағрикенглик”  
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга  
2-илова

“Диний бағрикенглик” кўкрак нишонига номзодларни баҳолаш  
МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Балл тизими
1.	Бағрикенглик ва динлараро тотувлик, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашдаги кўп йиллик ибратли фаолияти	1 баллдан 10 баллгача
2.	Аҳоли ўртасида диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг тарғиботи ва ташвиқотини амалга оширишга ҳисса қўшиб келаётгани	1 баллдан 10 баллгача
3.	Бағрикенглик ва динлараро тотувликни шакллантиришга қаратилган рисола, китоб, қўлланмалар яратгани, конференция, семинар, давра суҳбатлари ва фуқаролар билан учрашувларда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг олиб бораётгани	1 баллдан 10 баллгача
4.	Ёшларнинг маънавий-ахлоқий камол топишида, уларни Ватанга садоқат, азалий анъаналарга ҳамда оилавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзининг бой ҳаётий тажрибаси билан ўрнак бўлаётгани ва фаол қатнашаётгани	1 баллдан 10 баллгача
5.	“Жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиши ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолият олиб бораётгани	1 баллдан 10 баллгача
6.	Ёшлар ўртасида миллий ва диний қадриятларга нисбатан ҳурматни ошириш борасидаги фаолияти	1 баллдан 10 баллгача
7.	Урф-одат, миллий-диний қадриятлар асосида юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва соғлом маънавий муҳитни таъминлаш йўлида шахсий намуна кўрсатгани	1 баллдан 10 баллгача
8.	Диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссаси	1 баллдан 10 баллгача
9.	Жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантиришдаги ибратли меҳнати	1 баллдан 10 баллгача
10.	Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда амалга ошираётган ибратли ишларининг кенг ёритилиш даражаси	1 баллдан 10 баллгача

*Изоҳ. Номзодларнинг эришган натижалари бўйича қўйилган баллар жамланиб, энг юқори кўрсаткични қайд этганлар кўкрак нишонига номзод сифатида тавсия этилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “25” сентябрдаги 495-сон қарорига  
2-илова

### **“Диний бағрикенглик” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ**

“Диний бағрикенглик” кўкрак нишонининг диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг марказида оқ эмаль билан қопланган доира ичида Ер шари ва Ўзбекистон Республикасининг харитаси, унинг юқори қисмида куёш нурлари фониди эркинлик рамзи бўлган парвоз этаётган қалдирғочлар, қуйи қисмида эса бағрикенг инсоннинг очик кафтлари тимсоли акс эттирилган.

Кўкрак нишони айланаси бўйлаб юқори қисмида яшил эмаль фониди зарҳалланган “DINIY BAG‘RIKENGLIK” ёзуви, қуйи қисмида эса нақшинкор парчага туташган иккита дафна новдаси жойлашган. Ҳарфлар баландлиги 3 миллиметр.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги – 2,5 миллиметр. Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир.

Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қавариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 24 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг марказидан эни 4,4 миллиметрли оқ кўк йўл ўтган. Унинг ҳар икки тарафидан эни 4,4 миллиметрли оқ ва яшил рангдаги йўллар туширилган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “25” сентябрдаги 495-сон қарорига  
3-илова

## “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

“Диний бағрикенглик” кўкрак нишони гувоҳномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, тўғри тўртбурчак шаклида бўлган кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “DINIY BAG‘RIKENGLIK” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), иккинчи сатрда “ko‘krak nishoni” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 7 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар кўк рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) оч кўк рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда “GUVOHNOMA №” сўзи (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) ва 16 миллиметрли чизик жойлашган.

Ундан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 9 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан 8 миллиметр қуйида, марказда, оралиғи 3 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “Din ishlari bo‘yicha qo‘mitasi raisining” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 7 миллиметр пастда оралиғи 5 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20\_\_-yil “\_\_”-\_\_\_\_\_dagi”, иккинчи сатрда “\_\_-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.



Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “DINIY BAG‘RIKENGLIK” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 12 кегль), иккинчи сатрда “ko‘krak nishoni bilan”, учинчи сатрда “taqdirlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 10 миллиметр пастда, чап томонда “Rais” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

«Диний бағрикенглик» кўкрак нишони  
ГУВОҲНОМАСИ



	<p><b>GUVOHNOMA № _____</b></p> <p>_____ <i>(familivasi)</i></p> <p>_____ <i>(ismi)</i></p> <p>_____ <i>(otasining ismi)</i></p> <p><b>O‘zbekiston Respublikasi</b> <b>Din ishlari bo‘yicha qo‘mitasi raisining</b></p> <p>20__-yil “__” _____ dagi _____ -sonli buyrug‘iga asosan</p> <p><b>“DINIY BAG‘RIKENGLIK”</b> <b>ko‘krak nishoni bilan</b> <b>taqdirlandi</b></p> <p><b>Rais</b></p>
--	---

## «Диний бағрикенглик» кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони

